



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 28 май, № 105 (5272)

Шанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва таниқли шоира Саида Зуннунова хотирасига Тошкент шаҳрида ҳайкал ўрнатиш тўғрисида

Миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган адиблар — Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва унинг умр йўлдоши, таниқли шоира Саида Зуннунованинг бетакрор ижодий мероси, ибратли ижтимоий фаолияти билан ўзлимизни англаш, ёш авлодни она-Ватанга севги ва садоқат туйғуси, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдаги катта ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот марказининг Ватанимиз пойтахти — Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва таниқли шоира

Саида Зуннунова хотирасига ҳайкал ўрнатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Бадий академияси бир ой муддатда тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ҳайкални яратиш бўйича ижодий танлов эълон қилсин ва уни белгиланган тартибда ўтказсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳайкални яратиш ва ўрнатиш билан боғлиқ харажатлар, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тақдим этиладиган ҳисоб-китобларга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан қопланшини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2011 йил 27 май

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидаги тadbиркорликни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада мулкдорлар сафи йил сайин кенгайиб, улар иқтисодий тизим тарққибтида ҳал қилувчи аҳамият касб этапти.

ФИДОЙИ МЕҲНАТ РОҲАТИ

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурининг изчил ижроси, айниқса, соҳага турли имтиёزلарнинг қўлланилаётгани биз, тadbиркорларга янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Президентимизнинг шу йил 4 апрелда эълон қилинган "Тadbиркорлик субъектларини текширишнинг янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишнинг ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида"ги Фармонида белгилаб берилган энгилликлар бунинг яққол далилидир. Мазкур ҳужжатга асо-

сан, янги ташкил этилган кичик тadbиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолияти уч йилгача режали солик текширишларидан ўтказилмади.

Бундан ташқари, 2011 йилнинг 1 апрелидан 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келадиган, шунингдек, ишлаб чиқариш сурьатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тadbиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолияти ҳам солик соҳасида текширилмади.

(Давоми 2-бетда).

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Хоразм вилоятида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови жараёнлари қонунийлик, очкиклик ва ошқоралик тамойиллари асосида ўтказилмоқда. Утган даврда фуқаролар фаолигини ошириш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жамоат назоратини йўлга қўйиш, хусусий тadbиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилган тушунтириш ишлари олиб борилди.

МУНОСИБ НОМЗОДЛАРГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛМОҚДА

Айни чоғда фуқаролар томонидан кўтарилган муаммолар аниқланиб, уларни ҳал этиш чоралари белгилаб олинди. Бу эса сайлов жараёнида ўз самарасини берапти.

Бугунги кунда вилоятда 654 та фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. Мазкур ижтимоий-сиёсий тadbирлар жараёнида ушбу фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 6 минг нафарга яқин маслаҳатчилари сайланади. Табиийки, ушбу лавозимларга юртимизда амалга оширилаёт-

ган ислохотлар моҳиятини тeран ҳис этадиган, уларни рўёбга чиқаришда фаол қатнашадиган кишиларнинг сайланиши муҳим аҳамият касб этади. Шу тўғрисида харажлар билан бундан 400 тадан ортиқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган сайловларда фаол қатнашиб, ўзлари лойиқ кўрган номзодларга овоз беришди.

Сайловларга пухта ҳозирлик қўрилгани, уларни муваффақиятли ўтказишда кўл келмоқда, — дейди Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар-

ВАТАННИ УЛУҒЛАШ САОДАТИ

иқтидорли ёшларимиз интилишларида яққол намоён бўлмоқда



Бугун юртимизда қай бир соҳани олиб кўрманг, жамиятда ўз ўрнини топиб, юксак муваффақиятларни қўлга киритаётганлар сафида хотин-қизлар ҳам кўпчилигини ташкил этаётганга гувоҳ бўласиз.

Дарҳақиқат, истиқлолимизнинг йиғирма йили давомида юртимизда Президентимиз раҳнамолигида жамиятда хотин-қизлар ролини ошириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Таъбир жоиз бўлса, мустақилликнинг илк йилларидаги аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва жамиятдаги ўрнини бугунги кун аёли фаолиги билан солиштирсак, улкан ўзгаришлар юз бергани яққол кўзга ташланади.

Бу борада Президентимиз ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши изланувчан, фаол, ташаббускор ва иқтидорли қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш,



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

рағбатлантириш, янги марралар сари илҳомлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Кеча пойтахтимиздаги Олимпия шон-шухрати музейида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида бўлиб ўтган "Истиқлолдан

бахт топган қизлар" мавзuida тadbирда ҳам хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислохотлар алоҳида эътироф этилди. Тегишли вазирлик ва идоралар, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган ушбу тadbир спортнинг турли йўналишларида жаҳон ва Осиё мусобақа-

ларида голибликни қўлга киритаётган Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари фаолиятига бағишланди.

Тadbирда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, кейинги йилларда юртимизда болалар ва хотин-қизлар спортини ривожлантиришга юксак даражада эътибор қаратилмоқда. Республикаимизнинг барча

ҳудудларида замонавий анжомлар билан жиҳозланган спорт иншоотлари бунёд этилмоқда. Пировардида ёшларимиз мамлакатимизда ва халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, юқори ўринларни қўлга киритмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ФУҚАРОЛАРНИНГ АХБОРОТ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ

давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очкиклиги тўғрисидаги қонунчилик мазмун-моҳиятини ташкил этиши керак

Демократик давлат куриш ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этишда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, соҳага бозор муносабатларини тadbир этиш бўйича ислохотларнинг изчил амалга оширилиб келинаётгани кўзланган самараларни бермоқда.

Масалан, кейинги ўн йил мобайнида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони 7 марта қўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етгани шундан далолат беради.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12

ноябрдаги қўшма мажлисида эълон қилинган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривож-

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазибалар

лантириш концепцияси"да ҳам шулар алоҳида қайд этилган эди. Президентимиз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаолигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритганда, албатта, ахборот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этишдан минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга

эришиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлаган эди. Шу боисдан Концепцияда соҳа ривожиди янги босқични бошлаб берадиган қонунларни ишлаб чиқиш,

амалдаги ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича қонунчилик тadbирлари илгари сурилганди. Хусусан, "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очкиклиги тўғрисида"ги қонун фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгрок амалга ошириш имкониятини яратиб бериш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кўп жиҳатдан кучайтиришга хизмат қилди. Давлат ҳокимияти ва

бошқарув органлари фаолиятининг очкиклиги, шаффоқлиги, оммавий ахборот воситаларининг бу борада жамоатчилик ҳамда парламент назоратини таъминлашдаги ролини янада оширишга замин яратади.

Маълумки, халқаро тажрибада давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг фаолиятида очкикликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларига доир ахборотларни олиш бўйича тартиб-қоидалар белгиланган. Яъни давлат ёки ҳўжалик бошқаруви органлари аҳоли ёки оммавий ахборот воситаларидан тушган муносабатларга ўз вақтида ва қисқа муддатларда жавоб бериши, улар талаб қилган маълумотни тўсиқларсиз олишига шароит яратиши талаб этилади.

(Давоми 2-бетда).

ФЕРМЕРЛАР МАНФААТИ — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Маълумки, шу йил 19 апрелда матбуотда Президентимизнинг "Фермер ҳўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тadbирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

Бу Фармон, таъбир жоиз бўлса, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги ишловининг қисқартирилган нусخасидаги "Фермер ҳўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тadbирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

Гап шундаки, Ер кодексининг 53-моддасига кўра, фермер ҳўжалиги ўзига ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши билан шугулланувчи, юридик шахс ҳуқуқига эга мустақил ҳўжалик юритувчи субъект

Жараён

хисобланади. 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган ва бир қатор ўзгариш ҳамда қўшимчалар билан тўлдирилган "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги Қонунга биноан, фермер ҳўжаликлари қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ва захира ерларда ташкил этилиши белгиланган бўлиб, улар қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий субъектлари саналади.

Президентимизнинг мазкур Фармони эса ушбу ҳужжатларга мувофиқ ҳамда фермер ҳўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этилишини таъминлаш мақсадида амалга оширилиши зарур бўлган бир қатор аниқ вазибалар белгилаб берилгани билан аҳамиятлидир.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ХОРАЗМ. Хонқалик тadbиркор Аҳмадхон Уринов ўзининг нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Ота минор" хусусий корхонаси фаолиятини йўлга қўйди.

Илғор технология асосида

Бунинг учун Германиядан энг замонавий технологиялар келтириб ўрнатилди. Натижада 10 нафар кишининг иш билан бандлиги таъминланди.

Хозир бу ерда ойига 40 турдаги 10 миллион сўмликдан ортиқ нон ва нон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Яқинда тadbиркор ташаббуси билан корхонада қандолат тайёрлаш ҳам ўзлаштирилиб, яна 6 та қўшимча иш ўрни яратилгани эътиборлидир.

Умуман, вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида 500 га яқин кичик бизнес субъектлари ташкил этилди.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НАМАНГАН. Айни кунларда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари битирувчилари учун масъулиятли палла бошланди. Битирувчилар учун ярмарка

Хусусан, Наманган муҳандислик-педагогика институтида ташкил этилган "Битирувчи — 2011" меҳнат ярмаркасида йигит-қизларнинг 200 нафари бўлажак меҳнат жамоалари билан шартномалар имзолашди.

Шуниси эътиборлики, мазкур даргоҳнинг вилоятдаги қатор корхона ва ташкилотлар билан йўлга қўйган ҳамкорлиги натижасида фаол талабаларнинг аксарияти ишлаб чиқариш амалиёти чоғидаёқ меҳнат жамоалари этиборига тушмоқда. Жорий йилда ҳам бу тажриба ўз самарасини берди. 1150 нафар битирувчининг асосий қисми уч томонлама шартнома асосида бўлажак иш жойларини танладилар.

Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САМАРҚАНДда мустақилликимизнинг 20 йиллиги муносабати билан "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" шиори остида "Ўзбек миллий кино санъати кунлари" бўлиб ўтди. Самарқандда кино санъати байрами

Жойларда пойтахтдан ташриф буюрган таниқли актёр ва кино ижодкорлар билан бўлиб ўтган учрашув ҳамда мулоқотлар самарқандлик мухлисларда катта таассурот қолдирди.

Тadbирлар давомида "Кечиккан ҳаёт", "Ўргимчак тўри", "Қўрғошин", "Тўққиз ой", "Учар қиз" каби ўнлаб бадий ва ҳужжатли фильмлар намойиш қилинди.

М. ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

